



Toshkent davlat
sharqshunoslik universiteti

XXI ASR: FAN VA TA'LIM MASALALARI

ilmiy elektron jurnali

ISSN: 2181-9874



EDUCATION

2025

БУХОРО – 17-18 ЮЗЙИЛЛИКЛАРДА ЭЛЛАРАРО ИЛМ-ФАН МАРКАЗИ

Abdilaziz Obidjon o‘g‘li Abdutolibov

2-kurs magistrant

Tarixshunoslik, manbashunoslik va tarixiy tadqiqot usullari yo‘nalishi

O‘zRFA Tarix instituti: kichik ilmiy xodim

Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti

E-mail manzil: abdutolibovabdulaziz4@gmail.com

Ilmiy rahbar: Mirsodiq Mirsultonovich Is’hoqov,

Tarix fanlari doktori, professor

Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti

Annotatsiya: Maqolada 17–18 yuzillicklarda Turon ilm-fan markazi sifatiдаги mavqеini yuqotgan degan qarash inkor etilgan. Aшtarхонийлар davriga oid хужжатлар ҳамда тарихий манбалар асосида Бухоро, Самарқанд, Хоразм ва Балх шаҳарлари бу даврда ҳам халқаро илмий марказ бўлиб қолганлиги, турли мамлакатлардан илм изловчилар бу ерда фикҳ, калом, мантиқ ва фалсафа каби фанларни ўрганганлиги ёритилган.

Kalit so‘zlar: Турон, Аштархонийлар, Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Балх, илм-фан, хужжатлар, “Мактубот, Муниоат ва Манишурот”, фикҳ, калом, мантиқ, фалсафа.

БУХАРА – МЕЖДУНАРОДНЫЙ НАУЧНЫЙ ЦЕНТР В XVII И XVIII ВЕКАХ

Абдилазиз Обиджон оглы Абдутолибов

Магистрант

Ташкентский государственный университет востоковедения

Младший научный сотрудник

Институт истории Академии наук Узбекистана

Электронная почта: abdutolibovabdulaziz4@gmail.com

Научный руководитель: Мирсодик Мирсултанович Исхаков,

Доктор исторических наук, профессор

Ташкентский государственный университет востоковедения

Аннотация: В статье опровергается мнение о том, что в XVII–XVIII веках Туран утратил своё значение как центр науки. На основе документов и исторических источников эпохи Аштарханидов показано, что города

Бухара, Самарканд, Хорезм и Балх в этот период продолжали оставаться международными научными центрами, куда приезжали искатели знаний из разных стран для изучения фикха, калама, логики и философии.

Ключевые слова: Туран, Аштарханидов, Бухара, Самарканд, Хорезм, Балх, наука, исторические источники, документы, фикх, калам, логика, философия.

BUKHARA – AN INTERNATIONAL SCIENTIFIC CENTRE IN THE 17TH AND 18TH CENTURIES

Abdilaziz Obidjon ogli Abdutolibov

Master's student

Tashkent State University of Oriental Studies,

Junior Research Fellow

Institute of History, Academy of Sciences of Uzbekistan

Email: abdutolibovabdulaziz4@gmail.com

Supervisor: Mirsodik Mirsultanovich Iskhakov,

Doctor of Historical Sciences, Professor

Tashkent State University of Oriental Studies

Annotation: *The article refutes the view that Turan lost its status as a center of science in the 17th–18th centuries. Based on documents and historical sources from the Ashtarkhanid period, it is shown that the cities of Bukhara, Samarkand, Khorezm, and Balkh remained international scholarly centers during this time, attracting seekers of knowledge from various countries to study fiqh, kalam, logic, and philosophy.*

Keywords: *Turan, Ashtarkhanid, Bukhara, Samarkand, Khorezm, Balkh, science, historical sources, documents, fiqh, kalam, logic, philosophy.*

KIRISH

Тарих илмида 17 – 18 юзйилликларга келиб Туроннинг халклараро доирада илм-фан соҳасида мавқеини йўқотганлиги ҳақидаги қараш мавжуд. Лекин бу қараш юзаки бўлиб, ушбу даврда ҳукмронлик қилган аштархонийлар сулоласи (1601 – 1756) даврига доир манбаларда бу қарашни инкор этувчи қатор далилларга дуч келиш мумкин. Марказий Осиё, хусусан, Бухоро хонлиги тарихшунослигида кўпинча мазкур давр сиёсий парокандалик, иқтисодий таназзул ва илмий муҳитнинг заифлашуви билан характерланади деган қарашлар учрайди. Тарих илмида бу давр кўпинча Темурийлар ёки Шайбонийлар даври билан қиёсланиб, илм-фан тараққиёти сустлашган деб баҳоланади. Бироқ мавжуд манбалар, хусусан,

Аш-тархони-йлар (1601–1756) даврига оид ҳужжатлар, таржимаи ҳол тўпламлари, адабий-бадний манбалар мазкур ёндашувнинг бирёқламалигини кўрсатади.

Аштархонийлар ҳукмронлиги даврида Бухоро, Самарқанд, Балх, Хоразм сингари марказлар илм изловчиларни ўзига тортишда давом этган. Яман, Хитой, Қўшғар, Ҳиндистон, Туркия, Эрон ва бошқа ҳудудлардан олимлар келиб, минтақанинг мадрасалари, кутубхоналари, илмий мажлислари билан яқиндан танишган ва шу ерда илмий фаолият олиб борган. Бу жараён Бухоро хонлигининг ўша даврда ҳам бутун ислом оламида муҳим илмий марказлардан бири бўлиб қолганини тасдиқлайди.

Шунингдек, Аш-тархони-йлар даврида яратилган дипломатик ёзишмалар, маншурлар, ҳукмномалар, вакф ҳужжатлари, мактублар илмий муҳитнинг ривожланганлигини, давлат ҳокимияти томонидан илм эгаларига кўрсатилган эътибор ва ҳомийлик сиёсатини ёрқин ифодалайди. Бу ҳужжатлар Бухоро хонлигида нафақат диний, балки дунёвий фанларнинг ҳам ривож топганини кўрсатади.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Тадқиқотнинг методологик асосини қуйидаги ёндашувлар ташкил қилади:

1. Манбашунослик таҳлили

Тадқиқотда Аш-тархони-йлар даврига оид ёзма манбалар – маншур ва ҳукмномалар, вакфномалар, мактублар, таржимаи ҳол тўпламлари, тарихий асарлар, сафарномалар, қўлёзма мажмуотлар асосий сумбер сифатида ўрганилди. Жумладан:

- “Мактубот, Муншаот ва Маншурот” тўпламидаги ҳужжатлар,
- Мунтахаб ат-таворих, Мажмуат уш-шуаро сингари таржимаи ҳол, тазкира ва адабий манбалар,
- Р. Муқминова, О. Чехович, А. Жувонмардиев, И. Низомиддинов, Э. Давидович, Р. МсЧесней ва бошқаларнинг илмий изланишлари.

Ушбу манбалар давлат бошқаруви, мадрасалар фаолияти, илмий ҳомийлик аънаси ва хорижий олимларнинг фаолияти ҳақидаги маълумотларни тиклаш имконини берди.

2. Тарихий-қийсий таҳлил

Бухоронинг ХВИИ–ХВИИИ асрлардаги илмий салоҳияти олдинги – Темурийлар ва Шайбонийлар, шунингдек, ўша даврдаги Ҳиндистон, Эрон, Усманийлар империяси ва Хитой илмий муҳитлари билан қийслаб баҳоланди. Бу ёндашув Бухоро мадрасалари ва илмий мактабларининг рақобатбардошлиги ҳамда халқаро мавқеини аниқлашга ёрдам берди.

3. Ижтимоий-маданий ёндашув

Илм аҳли орасидаги миграция, мадрасалараро алоқалар, ижодкорлар ва уламоларнинг биографик маълумотлари асосида Бухоронинг интеллектуал майдондаги ўрни ўрганилди. Емендан, Хитойдан, Қўшғардан, Ҳиндистондан

ва бошқа мамлакатлардан келган олимлар фаолияти асосида илмий марказ сифатидаги нуфуз таҳлил қилинди.

4. Структурал таҳлил

Давлат бошқарувида маншур ва ҳукмномаларнинг тутган ўрни ўрганилиб, илм аҳли билан давлат тузилмалари ўртасидаги муносабатлар тизими таҳлил қилинди. Бу илмий элитага бўлган эътибор даражасини аниқлаш имконини берди.

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Бугунги кунга қадар аштархонийлар сулоласи даврига доир салмоқли ҳужжатлар сақланиб қолган. Улардан сулола даврининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаёти тарихини ёритишда унумли фойдаланиш мумкин. Мавжуд ушбу ҳужжатлар шу вақтга қадар Р. Муқминова¹, О. Чехович², А. Жуvonмардиев³, I. Низомиддинов⁴, Е. Давидович⁵, Б. Казаков⁶, Р. Мак Чесней⁷ каби шахслар томонидан тадқиқ этилган. Эътиборлиси, ушбу тадқиқотчилар ўз ишларида асосан вақф масаласи, ер-мулкчилик, ташқи алоқалар, танга муомаласи жиҳатидан эътиборларини ҳужжатларга қаратадилар. Улардан фарқли тарзда аштархонийлар сулоласи даврига доир қатор ҳужжатлар давлатчилик бошқаруви жиҳатидан кўриб чиқилиб, тадқиқот ишларига жалб этилган⁸. Фойдаланилган мавжуд ҳужжатлар даврий жиҳатдан 1600 – 1747 йилларни ўз ичига олса, географик жиҳатдан аштархонийлар ҳукмронлиги остидаги ҳудудда, Хива, Кошғар, Ҳиндистон, Эрон, Туркия, Россияни қамраб олади. Улар ичида энг салмоқлиси аштархонийлар ҳукмронлиги остидаги ҳудудда ёзилган ҳужжатлардир. Уларга асосан туркий ва форсий тилларда ёзилган маншур, нишон, ёрлик, ҳукнома, иноятнома, васиқа, вақфнома, хатлар киради. Ҳужжатлар ичида давлат бошқарувини янада аниқлаштиришда аҳамияти юқори бўлган тури маншурлардир. Кўриб чиқилган маншурлар Шарқшунослик институтида сақланади. Улар ичида “Мактубот, муншоат ва маншурот” номи остида сақланувчи ҳужжатлар тўплами энг каттасидир. Унда Имомқулихон, Убайдуллахон ва асосан Абулфайзхонлар даврига тегишли, форс тилида

¹. Муқминова Р. Положения крестьян вакфных землях (Средняя Азия XVI – XVII вв.) // XXVI съезд КПСС и проблемы аграрной истории СССР (социально-политическое развитие деревни). – Уфа: 1984. – С. 484-488.

². Чехович О. Собрание восточных актов Академии Наук Узбекистана // Исторические записки. – Москва: 1948. № 26. – С. 306 – 311; Новая коллекция документов по истории Узбекистана // Исторические записки. – Москва: 1951. № 36. – С. 263 – 268; Документы к истории аграрных отношений в Бухарском ханстве. Вып. I. Акты феодальной собственности на землю XVII – XIX вв. – Ташкент: 1954. – 367 с.

³. Жуvonмардиев А. XVI–XIX асрларда Фарғонада ер-сув масалаларига доир. – Тошкент: Фан, 1965. – 182 б.

⁴. Низомиддинов И. XVI – XVIII асрларда Ўрта Осиё – Ҳиндистон муносабатлари. – Тошкент: 1966. – 117 б.

⁵. Давидович Е. История монетного дела Средней Азии XVII – XVIII вв. (Золотые и серебряные монеты Джанидов). – Душанбе: 1964.

⁶. Казаков Б. Документальные памятники Средней Азии. – Ташкент: 1987. – 87 с.

⁷. McChesney R.D. Wakf in Balkh and Bukhara in the 2nd half of the 11th/17th century: political, social and economic aspect // Hamdard islamicus. 1989. № 12. P. 39 – 56; R.D. McChesney. Waqf in Central Asia: Four Hundred Years in the History of a Muslim Shrine, 1480 – 1889. Princeton University Press. 1991.

⁸. Жуманиёз Алижон ўғли Сангиров. Аштархонийлар даври бошқарув тизими. Тошкент. 2024. – 27 б.

ёзилган, марказий, ҳудудий бошқарувдаги мансаб, унвон, хизматчиларга берилган маншурулар мавжуд.

МУҲОКАМА

Аштархонийлар даврида ҳам илм изловчилар дунёнинг турли ҳудудларидан Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Балх⁹ каби йирик шаҳарларга келишган. Масалан, Мутрибийнинг ёзишича, Чаманий асли Яман юртидан бўлиб, Бухорога таълим олиш учун келади. Мир Араб мадрасасида таҳсил олади. “Чаманий” таҳаллусида ижод қилади¹⁰. Муаллифнинг давом этиб ёзишича, Баёний Хитой асли хитойлик бўлиб, Хоразмга илм ўрганиш учун келади. Таълимини яқунлагач шу ерда қолади¹¹. Гулшаний — қошғарлик, Қошғарда дунёга келади. Самарқандга таълим олишга келиб, ўша ерда ижод билан шуғулланиб қолади¹². Малехонинг ёзишича, эса ота-боболари қошғарлик бўлган Мир Нуриддин Самарқандда таълим олади. Ижод билан шуғулланади. “Наххат” таҳаллусида шеър ёзади¹³. Ниёз ҳам қошғарлик бўлиб, дастлабки таълимни она шаҳри Қошғарда олади. Балхга келади. У ерда диний ва дунёвий илмларни ўрганиш билан машғул бўлади. “Ниёз” таҳаллусида шеърлар ёзади¹⁴. Бухоро, Самарқанд шаҳарларига илм истаб келганлар орасида Мавлоно Юсуф Қорабоғийни ҳам алоҳида таъкидлаш жойиз. У Қорабоғда туғилади. Илм олиш истаги билан Бухорога келади. Мирзажон Шерозликка шогирд тушади. Фалсафа илмини жуда яхши эгаллайди. Ақида илмида Имомқулихоннинг¹⁵ энг яқин суҳбатдоши бўлади. Шеърят билан ҳам шуғулланади¹⁶.

Турон шаҳарларининг илм изловчилар учун очик эканлигини сулола даври тарихий асарларидан ташқари ҳужжатлар ҳам тасдиқлайди. Анашундай ҳужжатлардан бири “Мактубот, Муншоот ва Маншурот” тўпламидаги Бухорода таҳсил олган Истанбуллик бир талаба Исмоил Афандининг ватанига қайтишида берилган тавсияномадир. Ҳужжатда бу шахснинг Бухорода олган илми эътироф этилади ва Усмонлилар султонидан¹⁷ унга илмига муносиб мансаб берилиши сўралади¹⁸.

Ҳужжатнинг яна бир эътиборли жиҳати Исмоил Афандининг Бухорода қайси илмари эгаллаганлигига ишоралар берилганлигидир. Хусусан, у

⁹ Балх – Ҳозирги Афғонистон Республикасининг шимолий ҳудудида жойлашган шаҳар.

¹⁰ Мутрибий Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. Тошкент. 2013. 168 – 169-бетлар.

¹¹ Ўша асар. 151-бет.

¹² Ўша асар. 315 – 316-бетлар.

¹³ محمد بدیع ابن محمد شریف سمرقندی. منکر الاصحاب. تهران. ۱۳۹۰. ۳۹۴ – ۳۹۲. ص.

¹⁴ Ўша асар. 400 – 401-бетлар.

¹⁵ Имомқулихон — 1611 – 1642 йилларда Ўзбек давлатини бошқарган аштархоний ҳукмдор.

¹⁶ منکر الاصحاب. ۲۱۷ – ۲۱۶. ص.

¹⁷ Усмонлилар — 1299 – 1922- йилларда Туркияда ҳукмронлик қилган сулола.

¹⁸ میرزا صادق جانداری. مکتوبات، منشاعت و منشورات. فا Шарқшунослик институти асосий қўлёзмалар фонди. (ШҚФ) Қўлёзма саноғи 289. 396 – 40а-бетлар.

фикҳ¹⁹, калом²⁰, мантиқ²¹, фалсафа²² каби илмларни пухта эгаллаганлиги кўринадиган. Бу маълумотлар бошқа ҳудудлардан келаётган илм истовчиларнинг қайси соҳага қизиқишлари юқори эканлиги, қайси соҳада Туроннинг йирик шаҳарлари 17 – 18-юзйилликда ҳам нуфузи баланд эканлигини кўрсатади.

Юқорида тилга олинган манбалар ва ҳужжатдаги маълумотлар 17 – 18-юзйилликларга келиб Туроннинг эллараро доирада илм-фан соҳасида мавқеини йўқотганлиги ҳақидаги қараш аслида тўғри эмас эканлиги, аштархонийлар даврида ҳам илм изловчилар дунёнинг турли ҳудудларидан Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Балх каби йирик шаҳарларга келиб туришганлиги, фикҳ, калом, мантиқ, фалсафа, ақида илми бўйича ўз мавқеига эга эканлигини кўрсатади.

- (1) نوع دیگر نامه ترکی بپادشاه روم نوشته اند²³
- (2) عالیجناب حشمت آب²⁴ معدلت نصاب²⁵ سعادت
- (3) آیاب والاجاه رفعت دستگاه خلت و مودت²⁶ آگاه
- (4) مقضی مرام عامه خلق الله²⁷ معین آمال کافه بندگان خدا آگاه ناظم
- (5) عقود مهام سلطنت و جهانبنایی²⁸ عاقد نظام امور رافت و کشور ستانی محمد قوانینی²⁹
- (6) عدالت مسحید بنیان شوکت³⁰ باسط اجنخی الامن والامان ناشر العدل والاحسان معیناً للدولة
- (7) والعزه والاقبال³¹ صوب با صواب مستطاب لارینه³² صدق مواخات دین منبعث اعانت غرایب
- (8) تحیات سامیات زاکیات³³ کیم آثار بهجت و صفاسی ضیابخش و آیای قلوب قدسی لاردور³⁴ اتحاف
- (9) وا هدا قلندوق دین³⁵ سونگره ضمیرمیز آفتاب نظیر لرینه ستر³⁶ اولمیه که حضرت عالم الغیب والشهادة کیم

¹⁹ Фикҳ — билиш, тушуниш — мусулмон ҳуқуқшунослиги, шариат қонун-қоидаларини ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи илм таълимотининг бир соҳасидир.

²⁰ Калом — мусулмон кишининг ақидаси, эътиқоди, дунёқараши қандай бўлиши кераклигини ёритиб берувчи фан.

²¹ Мантиқ — тафаккур қонунлари ва шакллари ҳақидаги фан. Мантиқ (логика) энг қадимги фанлардан бири.

²² Фалсафа — инсон, борлиқ (табиат), онг, тафаккур, билим, жамият ва кадриятлар ҳақида энг умумий, асосий саволларга жавоб излайдиган назарий фан.

²³ میرزا صادق جانداری. مکتوبات، منشاعت و منشورات فا Шарқшунослик институти асосий қўлёзмалар фонди. (ШҚФ) Қўлёзма саноғи 289. 396 – 40а-бетлар.

²⁴ عالیجناب حشمت مقام — Олий мартабали, ҳурматли олий ҳазрат.

²⁵ معدالت نسب — Адолатли насаб эгаси.

²⁶ منشاعت ایوب و ولاجاة رفعت دستگاه خلت و مودت آگاه — Саодатли, меҳр муруватли, ҳар ишдан огоҳ бўлувчи.

²⁷ مغزی مرام عامه، خلق الله — Халқ дардини ўйловчи.

²⁸ عقود و مقام سلطنت و جهانبنایی — Ҳокимият, давлат бошқаруви билан шуғулланувчи.

²⁹ محمد قوانین — Адолат қонунларини йўлга қўювчи шахс.

³⁰ بنیان شوکت — Улуғворлик пойдевори.

³¹ والعزه والاقبال — Иззат ва иқбол учун.

³² مستصوبلرینی — Тасдиқланган.

³³ زکیات — Мусаффолик, поклик.

³⁴ قدسلر دور — Муқаддас.

³⁵ اتخاذ و عهدو قلندوق دین — Қабул қилиш, айтмоқ, вада бермоқ.

³⁶ سطر — Қатор, чизик.

- (10) نحن قسمناه³⁷ حکمت ازلی مقتضاسینه کریمه وجعلکم خلائق فی الارضی³⁸ مضمونی بیلہ سرائہ دولت و اقبالینی
- (11) نصیب خسروان³⁹ اسلام قیلماق لغی اولدورکیم همواره مروج شرع محمدی و مرتقی دین احمدی اولوب
- (12) انتظام اهل ایام بریب علما دین وحادیان راه یقینکیم قیاش سپهر آیین دورلار ظل مرحمت لاریده
- (13) تربیت تاپیب تبلیغ احکام⁴⁰ الاحی قلب موجب نجات و باعث درجات خلائق بولسون
- (14) الحمد لله والمنه وال معدن عدالت واحسان ارض روم و مرز بوم عثمانلوده رواج اسلام بیریپ⁴¹
- (15) علما و دیندار وفقها دانس⁴² آثارنی تربیت ایدوب کتف⁴³ حمایتنده برایا⁴⁴ صراط مستقیمده⁴⁵
- (16) فارغبال⁴⁶ اولوب بو نیازمند درگاه احد بی نیاز ماورا النهر ممالکی دا تنفیذ⁴⁷ احکام سرائع
- (17) ایدوب بو سعادت عظمی غه یتب محبت و وفاقمیز رواج اسلام اوچون بهددور
- (18) باقیه المرام⁴⁸ والکم استنبولی دانشمند مجمع الفضائل⁴⁹ اسماعیل افندی
- (19) مدیدی⁵⁰ بولوب دورکیم تحصیل و اکتساب علوم دینی
- (20) اوچون دارالعلم⁵¹ نجاراغه کیلب ظل عنایتیمیزده
- (21) بولوب چلبی و ثقات لار آلدیده
- (22) کتب متداوله نی اوتکاروب هر علم دین بحرہ یاب و صاحب فن بولوب
- (23) ارشاد تاپیب⁵² مسند افاده ده⁵³ والتوروب افندیلار
- (24) مکتسب⁵⁴ بولور یدیلاز اشیاغ و عشایری و مسک
- (25) معروف محبتی خاطر یغه توشوب التماس رحصت قیلدی مثلونی
- (26) مبذول ایدوب⁵⁵ رخصت بیردوک کیم وطن مألوفینه یوزلندی شیماء⁵⁶ رازیہ

³⁷ نحن قسمناه — Биз таксим этдик маъносида: Қаранг Қуръоннинг аз-зухруф сураси, 32 оятида келган.

³⁸ حکمت ازلی مقتضاسینه، کریمه وجعلناکم خلائق فی الارض — Азалий ҳикмат тақазосига кўра ва карим (сахий, олийжаноб) зот сифатида, сизларни ер юзида халифалар (вакиллар, бошқарувчилар) килдик: Қаранг Қуръоннинг Бақара сураси, 30 оят. Анъам сураси 165 оят.

³⁹ Давлат саройи ва иқболи Насиб бўлсин — دولت و اقبالینی نصیب خسروانه

⁴⁰ تبلیغ احکام — Еткази, ёйиш, тарғиб қилиш.

⁴¹ الحمد لله والمنه وال معدن عدالت و احسان ارض روم و مرز بوم عثمانلیدا رواج اسلام بریب — Аллоҳга ҳамду санолар ва миннатдорлик бўлсин адолат ва эҳсон манбаи бўлган Рум диёри ва Усмонли юртларида Ислонми ёйиб, уни ривожлантирди.

⁴² علمای دیندار و فقهای دانش — Диндор олимлар ва фикҳ илмининг билимдонлари.

⁴³ Елка. — کتف

⁴⁴ йўл, йўлида, устида. — براہ

⁴⁵ صراط مستقیمده م — Тўғри йўлга бошловчи: Қаранг Қуръоннинг Фотиҳа сураси 6 оят.

⁴⁶ Хотиржам, бехавотир. — فارغبال

⁴⁷ ماوراءالنهر ممالکی دا تنفیذ — Мавароуннаҳр ўлкаларида ҳукмини адо этиш.

⁴⁸ Орзу, тилак, мақсад, ният. — بقیتول مرام

⁴⁹ Юксак ахлоқли фазилатли. — مجموعه الفضای

⁵⁰ Давомий, барҳаёт. — مدید

⁵¹ Илм маскани, илм уйи. — دارالعلم

⁵² Ҳидоят қилиш, тўғри йўлга бошлаш. — ارشاد

⁵³ Мартаба, лавозим бериш. — مسند افادتدا

⁵⁴ Ўзлаштирган, ўрганган, эгаллаган. — موکتصب

⁵⁵ Масъулиятни тақдим этиб, вазифа бериб. — مسئولنی مبذول ایدوب

⁵⁶ Хушнуд, мамнун айлаб. — شیمای رضیا منشاعت و

- (27) وفاقدین توقع میز⁵⁷ اولدورکیم افندی مذکور نیچوک کیم ظل مرحمتیمزده تربیت تاپیب
(28) کمالیغه یتیب مجمع الفضایل بولوب تور حضور موفور السرور غه مشرف بولسون⁵⁸ پرتب⁵⁹ جورشید
التفاتلاریدین
(29) بهره مند بولوب جایغه یرشه مراتب قسوه غه یتب⁶⁰ تربیت تاپیب کیم مسرت و بشاشت⁶¹
بولسون.




⁵⁷ — Кутиш. — توقعيميز

⁵⁸ — Кувончга тўла, серкувончли. — موفور سرور غه

⁵⁹ — тўла, кўп. — مدید

⁶⁰ — Юксак мартабага етиб, улуг мақомга эришиб. — قسوه غه یتیب

⁶¹ — шодлик, хурсандчилик. — مسرت و بشاشت



ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, юқорида кўриб чиқилган манбалар ва ҳужжатлар таҳлили шуни кўрсатадики, 17–18 юзйиллик даврида Турон илмий-маданий ҳаётда ўз мавқеини буткул йўқотган деган қараш асоссиздир. Аксинча, Аштархонийлар сулоласи даврида сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги мураккаб жараёнларга қарамай, илм-фан тараққиётида узлуксизлик сақланиб қолган. “Мактубот, Муншоат ва Маншуrolар” тўплами, вақф ва васиқа сингари ҳужжатлар ҳамда тарихий асарлар мазкур даврда Бухоро, Самарқанд, Хоразм ва Балх каби марказларнинг илмий нуфузи кенг доирада эътироф этилганини кўрсатади. Хусусан, турли минтақалардан: Ямандан, Хитойдан, Қошғардан, ҳатто Усмонлилар ҳудудидан илм истовчилар Турон шаҳарларига келиб, фикҳ, калом, мантиқ, фалсафа ва ақида илмларини ўрганганликлари илмий муҳитнинг давомийлиги ва юксак даражасидан далолат беради. Шунингдек, ҳужжатлар таҳлили шуни англатадики, Аштархонийлар даври илмий-маърифий жараёнларида Турон нафақат ўз ички салоҳият муҳитини сақлаб қолган, балки халқаро миқёсда ҳам илмий алоқалар узилмаган. Бу эса мазкур даврни нафақат сиёсий тарих, балки илмий мерос нуқтаи назаридан ҳам чуқур тадқиқ этиш зарурлигини тақозо этади. Демак, Аштархонийлар ҳукмронлиги даври илмий ҳаётда пасайиш даври эмас, балки мавжуд анъаналарни давом эттириш, ўзаро илмий-маданий алмашинувни сақлаб қолиш босқичи сифатида қаралиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мукминова Р. Положения крестьян вакфных землях (Средняя Азия XVI – XVII вв.) // XXVI съезд КПСС и проблемы аграрной истории СССР (социально-политическое развитие деревни). – Уфа: 1984. – С. 484 – 488.
2. Чехович О. Собрание восточных актов Академии Наук Узбекистана // Исторические записки. – Москва: 1948. № 26. – С. 306 – 311; Новая коллекция документов по истории Узбекистана // Исторические записки. – Москва: 1951. № 36. – С. 263 – 268; Документы к истории аграрных отношений в Бухарском ханстве. Вып. I. Акты феодальной собственности на землю XVII – XIX вв. – Ташкент: 1954. – 367 с.
3. Жувонмардиев А. XVI – XIX асрларда Фарғонада ер-сув масалаларига доир. – Тошкент: Фан, 1965. – 182 б.
4. Низомиддинов И. XVI – XVIII асрларда Ўрта Осиё – Ҳиндистон муносабатлари. – Тошкент: 1966. – 117 б.
5. Давидович Е. История монетного дела Средней Азии XVII – XVIII вв. (Золотые и серебряные монеты Джанидов). – Душанбе: 1964.
6. Казаков Б. Документальные памятники Средней Азии. – Ташкент: 1987. – 87 с.
7. McChesney R.D. Wakf in Balkh and Bukhara in the 2nd half of the 11th/17th century: political, social and economic aspects// Hamdard Islamicus. 1989. № 12.

P. 39 – 56; R.D. McChesney. Waqf in Central Asia: Four Hundred Years in the History of a Muslim Shrine, 1480 – 1889. Princeton University Press. 1991.

8. Жуманиёз Алижон ўғли Сангиров. Аштархонийлар даври бошқарув тизими. Тошкент. 2024. – 27 б.

9. Мутрубий Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. Тошкент. 2013. 168 – 169-бетлар.

10. محمد بدیع ابن محمد شریف سمرقندی. منكرالاصحاب. تهران. ۱۳۹۰ – ۳۹۲ ص.

11. میرزا صادق جاندارى. مکتوبات، منشاعت و منشورات. ФА Шарқшунослик институти асосий қўлёзмалар фонди. (ШҚФ) Қўлёзма саноғи 289. 39б – 40а-бетлар.